

(1384–1411)

(1405-1409)

Темурийлардан бўлган Мовароуннахр хукмдори. Амир Темурнинг набираси. Мироншоҳнинг ўгли. Сарой Мулкхоним (Бибихоним) тарбия қилган. 15 ёшли Халил Султон Соҳибкироннинг Хиндистонга қилган юришида (1399-1400) қатнашиб жасорат кўрсатган. Куйи табақадан чиққан Шодимулкка уйланиши билан Амир Темурнинг газабига учраган, сўнг кечирилган. Соҳибкироннинг Хитойга қилган юришида Халил Султон кўшиннинг ўнг қаноти бошлиги этиб тайинланган. Амир Темурнинг васиятига мувофиқ Пирмухаммадни тахтга ўтқизиш тарафдорлари қучли бўлса-да, бироқ 1405-йилнинг 18-мартда Самарқандни эгаллаб, ўзини Мовароуннахрнинг олий хукмдори деб эълон қилган. У гарчи бобосидан қолган хазиналар воситасида Соҳибкироннинг нуфузи аён ва қиборларидан маълум қисмини ўз тарафига оғдириб Мовароуннахр тахтини эгаллаб олган бўлса-да, аммо кўп вақт ўтмай у Амир Темурнинг садокатли амирлари, вилоят ноиблари ва шахзодаларнинг қучли норозилиги ва исёнига дуч келади. Биринчи бўлиб, Туркистон ҳамда Фаргонанинг ҳокими амир Худайдод билан Шайх Нуриддин Халил Султонга қарши исён кўтардилар. Хатто унинг ўз укаси Мирзо Султон Хусайн Амударёнинг чап соҳили вилоятларида ўз ҳокимиятини ўрнатмоқ ниятида ақасига қарши бош кўтаради. Ўз навбатида Амир Темур тахтининг асосий валиаҳди Пирмухаммад Амударёдан кечиб ўтиб, Халил Султонга қарши Насафга томон аскар тортади. Амир Худайдод Ўратепа ва Шохрухия шаҳарларини осонгина қўлга қиритиб, Самарқанд томонга аскар тортади. Шероз яқинида Зарафшон дарёси бўйида содир бўлган жангда Халил Султон кўшини мағлубиятга учрайди, ўзи эса асирга олинади. Халил Султон давлат хазинасини беҳуда сарфлаб, ҳокимиятни бошқаришда хотинининг сўзларига амал қилган. Саройдаги қатта мансабларга тасодифий кишилар тайинланган. Бу бошқа темурийларнинг қаттиқ норозилигига учраган. Хуросон хукмдори Шохрух қатта кўшин билан Мовароуннахрга юриш қилиб, Самарқандни эгаллаган. Шохрух билан тузилган шартнома (1409) натижасида Мовароуннахрдан воз кечган. Халил Султонга Рай берилган. Умрининг охиригача шу ерда яшаган. Халил Султон вафот этгач, Шодимулк ҳам ўзини ўлдирган.